

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТНИНГ ДИН ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Feruz Z. Kholmuminov

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

Ином Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот

маркази илмий ходими.

11, A. Қодирий, Тошкент, 100011, Ўзбекистон.

E-mail: [dangeroux.93@mail.ru](mailto:dangeroux.93@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги нисбат масаласи инсоният тарихининг барча даврларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Динни давлатдан ажратиш ҳақидаги ғоя азалдан ҳурфирлилик ва дунёвий тафаккур ривожига асосланганини таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳаётий масала Марказий Осиё худудида мавжуд бўлган давлатларда ҳам доимо муҳим ўринни эгаллаб келган. Шунингдек, давлат дин билан боғлиқ муносабатларни тарихнинг барча даврларида муайян тамойиллар асосида тартибга солишга интилган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлиб унинг раҳбарияти олдида динга бўлган муносабатни аниқ ва принципиал равишда белгилаб олиш зарурати туғилди. Ўша даврда давлатнинг динга бўлган янгича ёндашуви Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ишончли тарзда белгилаб берилди ва қонунчиликда ўз ифодасини топди. Жумладан, Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар Конституциямизнинг бир неча моддаларида мустаҳкамланди.

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасидаги давлат ва диний конфессиялар ўртасидаги муносабат, диний ташкилотлар ҳамда уларнинг вакилларига яратилган шарт-шароитлар, шунингдек, соҳада ривожи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Вижно эркинлиги, диний бағрикенглик, динийлик, дунёвийлик, конституция, фармон, қонун, ҳажс, умра, масжид, черков, ибодатхона.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрель санасидан ўтказилган умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциясининг 1-моддасида: “Ўзбекистон –бошқарувнинг република шаклига эга бўлган суверен, демократик, хуқуқий, ижтимоий ва дунёвий

давлат”лиги белгиланди<sup>1</sup>. Мазкур қонуний тартиб орқали мамлакатнинг ҳар қандай муносабатга нисбатан тутган позицияси ва ҳолати ифода қилинди.

Давлатнинг дин, айниқса виждан эркинлигига нисбатан асосий талабалари Конституциянинг 31-моддасида қайд қилинди. Жумладан, унда: “Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик хуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”<sup>2</sup>, дейилди.

Шунингдек, Ўзбекистон қонунчилигига диннинг давлатдан ажратилгани таъкидланди. Бу ҳақда Конституциямизнинг 75-моддасида шундай дейилади: «Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди. Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини таъминлайди»<sup>3</sup>. Демак, давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг бирор-бир вазифаларини бажаришни юкламайди, уларнинг қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Ўз навбатида, диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди ҳамда уларнинг эркинлигини таъминлаш масъулиятини ҳам олган бўлади.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил хуқуқий майдонда фаолият олиб боради. Қолаверса, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир. Демак, давлат ва дин муносабатлари демократик жамиятда, аввало, Конституция, сўнг эса муайян қонунлар орқали белгиланди ва тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19, 35, 75-моддаларида инсонлар учун бошқа хуқуқ ва эркинликлар қаторида виждан эркинлиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик эрки ҳам кафолатланди.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 16 та диний конфессияга мансуб 2340 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Шундан 2144 таси исломий, 178 та христиан диний ташкилоти, 8 та яхудий диний жамоаси, 7 та баҳоий жамоалари, 1 та кришнани англаш жамияти, 1 та буддавийлар ибодатхонаси ва 1 та Ўзбекистон Библия жамияти. Бугунги кунда Республика бўйича жами **2125** та масжид ва **197** та ноисломий диний ташкилот (Рус православ черкови - 39 та, Рим-католик черкови - 5 та, Арман апостоллик черкови - 2 та, Тўлиқ Евангель христианлари черкови - 64 та, Евангель христиан-баптистлар черкови - 24 та, Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови - 10 та, Новоапостол черкови - 4 та, Немис Евангель-лютеран черкови - 2 та, “Иегова гувоҳлари” черкови, “Голос Божий” черкови, Корейс протестант черковлари - 26

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 57 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 57 б.

<sup>3</sup> Ўша манба: – 57 б.

та, Яхудийлар диний жамоаси - 8 та, Баҳоийлар диний жамоаси - 7 та, Кришнани англаш диний жамияти, Будда ибодатхонаси ва Ўзбекистон Библия жамияти) фаолият олиб бормоқда<sup>4</sup>.

Сўнгги олти йилни оладиган бўлсак, республика бўйича жами 94 та диний ташкилот, шу жумладан, 2 та олий ва 1 та ўрта маҳсус ислом билим юрти, 74 та масжид ҳамда 17 та тўрт хил турли конфессияга тааллуқли бўлган ноисломий диний ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилди.

2023 йил давомида аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳудудларда 6 та янги диний ташкилот ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, 7 та диний ташкилотда тубдан қайта қуриш, 18 тасида таъмирлаш ишлари якунланди, 250 та бинода қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги диний эркинлик намунаси сифатида қараладиган диний таълим масалалариға ҳукумат томонидан жиддий эътибор қаратилида. Ҳозирги кунда республикамиизда дунёвий ва диний илмларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги олий тоифадаги Тошкент ислом институти, “Мир Араб” олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, 10 та ўрта маҳсус ислом билим юрти ҳамда православ ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда ўрта маҳсус ислом билим юртларида 2000 га яқин талаба таҳсил олади. Ҳудудларда маҳсус илмий мактаблар ҳам ташкил этилган бўлиб, уларда ислом дини таълимотлари ўрганилади, жумладан, Фарғонада “Фиқх”, Самарқандда “Калом” ва “Ҳадис”, Қашқадарёда “Ақида” ва Бухорода “Тасаввуф” мактаблари ўз тингловчилариға эгадир.

Давлат томонидан ислом тадқиқот марказларининг ташкил қилиниши мисолида ҳам асосий эътибор диний муносабатларга қаратилган<sup>5</sup>. Бундай кўринишдаги тадқиқот марказалар 3 та бўлиб, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказларидир. 2018 йилдан бошлаб эса республиканинг 21 та жойида фуқаролар учун “Қуръони карим ва тажвид” фани бўйича 3 ойлик ўқув курслари ташкил этилди. Мазкур ўқув курсларни ҳозирга қадар 35 000 дан ортиқ тингловчи тамомлади.

Диндорларнинг муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларга боришлари таъминланади. Мустақиллик йилларида жами 300 мингдан зиёд юртдошларимиз Саудия Арабистонига Ҳаж ва Умра зиёратларига, шунингдек, деярли 3 мингга

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг рўйхатга олиниши ҳақида маълумотнома.

<https://religions.uz/pages/view?id=68>

<sup>5</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сонли қарори.

яқин фуқаролар Истроил, Россия, Грузия, Туркия каби давлатларда жойлашган мұқаддас масканларни зиёрат қилишга мұяссар бўлдилар.

2018 йилдан бошлаб Умра зиёратини амалга ошириш бўйича мавжуд квота бекор қилинди. Бунинг натижасида йилига 35 мингга яқин фуқаролар Умра ибодатини амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар. Ҳаж ибодатини амалга оширишда енгилликлар тақдим қилиниб бормоқда. Жумладан, 2018 йилда 5200 нафар, 2019 йилда 7200, 2022 йилда 12 000 ҳамда 2023 йилда мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигига фуқаролар учун Ҳаж ва Умра зиёратлари юқори савияда ташкил этилиб, **15150 нафар** зиёратчи **Ҳаж** амалини, **34 мингдан** ортиқ зиёратчи **Умра** амалини адо этди<sup>6</sup>.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи бошқа бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожи учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қиласи.

Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатларининг яна бир асосий хусусияти бу диннинг сиёсатга аралашмаслигиdir. Зоро, ҳар қандай диннинг биринчи галдаги вазифаси инсонларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ҳамда ибодат ва маросимлар билан боғлиқ масалаларни тартибга солишидир. Ҳеч қайси дин ўзида халқнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча жиҳатларини қамраб олишга даъвогарлик қилмайди.

Эътироф этиш лозимки, ҳар қандай диний эътиқод каби ислом ҳам барча даврларда, шу жумладан, дахрийлик кенг тарғиб этилган шўро тузуми замонида ҳам, ижтимоий муносабатлар ва маънавий-руҳий ҳаётга ўз таъсирини ўтказиб турган муҳим омиллардан бири бўлиб қолаверган. Ижтимоий муносабатлар ва маънавий-руҳий ҳаётнинг уйғунлиги эса, ҳар қандай жамиятнинг ички сиёсий барқарорлигини белгиловчи асосий омиллардан экани сир эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, дин ва сиёсат ўртасидаги муайян боғлиқликни инкор этиб бўлмайди. Бунинг сабаби эса ислом халқимизнинг онгу шуури ва менталитетига чуқур сингиб кетганидадир.

Бундан келиб чиқадиган мантиқий хulosса шуки, ислом дини ва мусулмончилик деган тушунча бизнинг минтақамиз учун фақат ўтмиш ва бугун тажрибасигина бўлиб қолмасдан, халқимиз маънавиятининг асосий таркибий қисмларидан саналади. Исломнинг жамият ҳаётидаги роли том маънодаги ҳурфиқрилик қарор топаётган мустақиллик даврида ўзини янада яққолроқ намоён этаётгани ҳам шундай хulosса чиқаришга асос бўлади<sup>7</sup>.

<sup>6</sup> Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йилдаги фаолияти таҳлили. <https://religions.uz/news/detail?id=1994>

<sup>7</sup> Холмўминов Ф., Мутаассиб шахслар билан ишлаш услублари. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2023. – Б. 49.

Бироқ масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор: диний омилнинг сиёсийлашуви жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги учун таҳдидга айланиб кетиши мумкин. Ушбу ҳолат ҳар қандай диннинг соф эътиқодий масалалар чегарасидан чиқиб, давлат ва жамият қурилиши масалаларига аралашишга уринишидан бошланади. Шундай экан, диннинг сиёсийлашуви, диний ташкилотларнинг ўз вазифасидан четга чиқиб, сиёсатга аралашуви давлат ва жамият бошқарувида бекарорликка замин ҳозирлайди.

Миллий ўзликни англаш билан боғлиқ турфа жараёнларни диний қадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиш амримаҳол. Бизнинг жамиятимиз учун ҳам табиий бўлган ушбу хусусият, ўзининг ўта нозиклиги баробарида хатарлилиги билан ҳам ажralиб туради. Мазкур икки тушунчани бир деб қабул қилиш, уларнинг ўзаро нисбатини баҳолашда хато қилиш – диннинг сиёсийлашувига йўл очиб беради. Шуни унутмаслик лозимки, айrim ҳолларда, жамиятдаги муайян кучлар ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш учун онгли тарзда айнан шундай қиласидилар.

Мустақилликнинг илк босқичида мисли кўрилмаган даражада фаоллашган диний гурухларнинг сиёсий ва ҳатто, ҳарбийлашган ташкилотларни тузишга қаратилган амалий ҳаракатларини эслаш лозим. Ўшанда бундай гурухлар Ўзбекистонни исломий давлат деб эълон қилишни талаб қилиш даражасигача бориб етган эдилар. Мафкуравий маркази Фаргона водийси бўлган ушбу ҳаракат ўз даврида мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам муайян акс-садо бериб, умуммиллий хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирганини инкор этиб бўлмайди. Дунёвий-маърифий давлат қурилаётган ҳар қандай мамлакатда диний жараёнлар эволюциясини ўзибўларчиликка ташлаб қўйиб бўлмайди.

Дунёвий давлат ва жамият энг аввало, қонун устуворлигини тақозо этади. “Қонун – барча учун баробар” деган демократик тамойил, шубҳасиз, диний жараёнларга ҳам тааллуклидир. Конституциянинг 15-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қиласи ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади”, дея таъкидланади<sup>8</sup>.

Давлат ва дин ўртасидаги муносабатларда таълим билан боғлиқ жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон давлат таълим тизимини ҳар қандай диний конфессияларнинг таъсиридан холи бўлишини белгилаган. Унга кўра, республикада давлат таълим тизими (мактаб)нинг ҳар қандай конфессия ёки диний эътиқод таъсиридан холи, шу билан бирга, диний эътиқодга ҳам қарши эмас. Бу эса, давлат таълим тизимида диний фанларнинг таълим дастурларига

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. 15-м. – 57 6.

киритилмаслигини англатади. Чунки, Ўзбекистонда мактаб ўқувчиларнинг эътиқодий қарашларидан келиб чиқиб муайян тоифаларга ажаратилмаган. Шундай экан, бир синфда ислом ёки бошқа турли динларга эътиқод қилувчи ўқувчилар билан бирга атеистик қарашдаги даҳрий фуқаролар ҳам ўқиши мумкин. Бундай вазиятда диний фанларни ўқитиш билан боғлиқ ўзига хос муаммоларнинг келиб чиқиши табиий.

Дин ва эътиқод масалалари инсон маънавиятининг узвий қисми ҳисобланади. Мазкур масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида чукур ва асосланган билимларга эга бўлиш ҳаётий-амалий фаолиятни тўғри ташкил этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, виждан эркинлиги табиий ҳуқуқ ва эркинликлар сирасига кирувчи ҳар бир шахснинг ажралмас ҳукуқларидан биридир. Виждан эркинлиги инсоннинг энг муҳим эркинликларидан бўлса-да, қонунда ўз ифодасини топиб, муҳофаза остига олингандагина чин маънода ҳуқуқ даражасига кўтарилади. Акс ҳолда шахснинг қалб кечинмаларини ифодоловчи бу ҳуқуқ ҳақиқий маъносини йўқотади. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам виждан эркинлигини муҳофаза қилувчи қонунчилик базаси яратилиб, мустаҳкамлаб борилмоқда<sup>9</sup>.

Мамлакатимизда виждан эркинлигини ҳуқуқий ҳимоя қилувчи дастлабки қонуннинг пайдо бўлиши XX асрнинг 90-йилларига тўғри келади. Ўтган асрда шўро тузуми халқимиз онгу тафаккурида динни афюн ва зарарли уйдирма сифатида гавдалантиришга ҳаракат қилаётган бўлсада, Ўзбекистонда **1991 йил 14 июнда** илк бор “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди.

Мустақилликдан кейин фуқароларимизнинг дин билан боғлиқ ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ амалга ошириш, диний ва миллий қадриятларни тиклаш соҳасида қатор ишлар амалга оширилди. Энг аввало, виждан эркинлигининг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг дастлабки таҳриридаги Конституциясида **“Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”**, деган ҳуқуқий норма белгиланган эди<sup>10</sup>. Мазкур норма асосида ҳар бир шахснинг дин билан боғлиқ ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан расман кафолатланган эди.

Бу қоидага кўра “виждан эркинлиги” деган тушунчанинг мазмун-моҳияти шахснинг хоҳлаган динга эътиқод қилиши билан бирга ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ихтиёрини ҳам қамраб олади. Бу модда сўнгида «диний қарашларни

<sup>9</sup> Холмўминов Ф., Мутаассиб шахслар билан ишлаш услублари. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2023. – Б. 51.

<sup>10</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг. – Тошкент: 1992.

мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» деган муҳим қоида асосида ҳар бир инсон ҳақли бўлган ҳуқуқнинг бузилмаслиги учун қонуний замин тайёрланган. Бунинг замирида виждан эркинлигига нисбатан ҳар қандай таҳдидни бартараф этиш истаги ётади.

Шундай қилиб, Конституциямиздаги норма асосида виждан эркинлиги уч жиҳатни англатадиган ҳуқуқий категория сифатида намоён бўлади:

- ✓ Муайян шахс худога ишониши, хоҳлаган динига эътиқод қилиши мумкин.
- ✓ Худога ва динга ишонмаслиги, уларга нисбатан бетараф бўлиши мумкин.
- ✓ Даҳрий, яъни ҳеч бир динга эътиқод қилмайгина қолмасдан, балки уларни инкор этиши мумкин.

Бу виждан эркинлиги ҳуқуқи айнан шу масалалар билан чекланади дегани эмас. Одатда, конституция давлатнинг асосий қонуни ҳисобланиб, ёритиладиган норманинг умумий жиҳатларини ўзида қамраб олади. Конституция асосида қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларида норма кенгроқ ёритилади ва шарҳланади. Конституциядаги 35-модда замирида қабул қилинган «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси биринчи ва иккинчи банларида бу тушунча кенгроқ очиб берилган. Унда айтлишича, “Виждан эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-руsumлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди”<sup>11</sup>.

Демак, виждан эркинлиги факат худога ишониш ёки ишонмасликдан ташқари, ибодат қилиш, диний расм-руsumлар ва маросимларда иштирок этиш эркини, шунингдек, диний таълим олиш ёки олмасликни ўз ихтиёри асосида белгилаш ҳуқуқларини ҳам ўз ичига олади. Факат ушбу ҳуқуқлар ҳам муайян тартибларга риоя қилинган тақдирдагина ушбу соҳада барқарорлик вужудга келади. Акс ҳолда диний соҳада бошбошдоқлик кузатилиб, жамият барқарорлигига хавф солиши мумкин.

Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги нормаларнинг қонунчиликка киритилиши натижасида диёrimизда расмий фаолият олиб бораётган барча дин вакилларига катта имкониятлар яратилди. Жумладан, мустақилликгача республикада бир неча масжид, черков ва синагогалар фаолият

<sup>11</sup> Қаранг: “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун. <https://lex.uz/docs/5491534>

олиб борган бўлса, қонун қабул қилингач, дунёning турли миңтақаларида диний ибодатларини амалга оширувчи Евангел-Лютеран жамоаси, Рим-католик черкови, “Еттинчи кун адвентистлари” диний ташкилоти, Баҳоийлар жамоаси, яхудийлар диний жамоаси каби ўндан ортиқ диний конфесиялар юртимизда расмий фаолият юрита бошлади.

Хукумат томонидан турли диний ташкилотларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш ва мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг марказий телевидение орқали маънавий-маърифий кўрсатувларни бериб бориши, машхур диний арбобларнинг таваллудига бағишлиланган анжуманларнинг кенг кўламда нишонланиши каби тадбирларни айтиб ўтиш ўринлидир. Айниқса, ҳаж ибодатини тўла-тўқис ва ҳамжиҳат ҳолда адо этишга кўмаклашиш мақсадида шифокорлар, ошпазлар ва бошқа мутассадди ишчи гурухларнинг ҳожилар хизматига сафарбар қилиниши таҳсинга сазовор.

Шунингдек, Президент фармонига кўра, 1903 йилда қурилган “Святая Богородица” ибодатхонасининг Арман апостол черковига топширилгани, ўз вақтида фаолияти тўхтатиб қўйилган Евангел-лютеран черкови Кирхасининг республикада истиқомат қилувчи немисларнинг диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида “Видергебурт” немис маданият марказига фойдаланиш учун қайтариб берилгани ва 1996 йилнинг декабрида ушбу конфесиянинг юртимизда фаолият бошлаганининг 100 йиллигининг кенг нишонланиши ҳам юқоридаги фикримиз исботи бўла олади<sup>12</sup>.

Ўзбекистон Республикаси демократик принципларга содиқлигини ифодаси сифатда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатда қўйидаги принципларга амал қилишини белгилаган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳукуқларини teng кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

<sup>12</sup> Комилов Н. ва бош. Жамият қурилиши ва ижтимоий бошқару. – Тошкент: 2007. – Б. 282.

Ўзбекистон республикаси вијдон эркинлиги борасидаги қонунчиликни мавжуд вазиятдан келиб чиқсан ҳолда ривожлантириб борди. Жумладан, 1991 йил 14 июнда қабул қилинган қонунда айрим нормалар мавжуд вазиятни тартибга солиш учун етарли бўлмай қолганди. Хусусан, ушбу қонуннинг 6-моддасида баён этилган “Болаларни фақат мактаб ёшига етганда мактабдаги машғулотлардан бўш вақтда ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ёзма розилиги билан, балоғат ёшига етганларни эса ўз хоҳишлирига кўра ташкилий равишда диний таълимотга ўргатишга йўл қўйилади”<sup>13</sup> дейилган норма асосида юртимиизда болаларни хусусий тартибдаги диний таълимнинг жалб этиш кучайиб кетди. Натижада **1998 йил 1 майда** қабул қилинган “Вијдон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунчиликда бу масалага тақиқ қўйилди ҳамда хусусий тартибдаги диний таълимнинг ҳар қандай кўриниши ноқонуний деб топилди. Шунингдек, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, Ўзбекистонга олиб кириш ва тарқатишида диншунослик экспертизасидан ўтказиш масаласи қонунчиликда тавсиявий характерда эди. Шу сабабли бу масалалада диний материаллар деярли экспертизадан ўтказилмасди.

Диншунослик экспертизасидан ўтказмасдан диний адабиётларни нашр этиш ёки республика ҳудудига олиб кириш, тарқатиш жамиятда диний ихтилофларнинг келиб чиқиши ва авж олишига асос бўлиб хизмат қиласди. Шу сабабли 1998 йилдаги янги таҳрирда қабул қилинган қонунда бу масалага жиддий эътибор қаратилди ҳамда диний мазмундаги метериалларни тайёрлаш, Ўзбекистонга олиб кириш ва тарқатишининг асосий шарти сифатида белгиланди. Бу қоида бугунги кунда ҳам амалда. Чунки, бугунги кунда турли қараш ва эътиқоддаги ҳамда диний билим доираси ва дунёқараши турлича бўлган шахслар томонидан кўплаб диний мазмундаги материалларни нашр этиш, республика ҳудудига олиб кириш ва тарқатишга бўлган мурожаатлар кузатилади.

Хусусан, нашр этиш учун тақдим этилган адабиётлар ўрганилганда Куръони карим оятларини нотўғри таржима ва талқин этиш, заиф ва тўқима ҳадислардан кенг фойдаланиш, минг йиллар давомида халқимиз амал қилиб келаётган мотуридийлик эътиқоди ва ҳанафийлик мазҳабига зид бўлган қарашлар, республикамиизда қарор топган диний бағрикенглик анъаналари ҳамда қонунчилик асосларига хилоф бўлган тушунчалар учрайди. Диншунослик экаспертизаси бўлим ходимлари томонидан айнан шу турдаги камчилкларни тўғрилаш бўйича керакли кўрсатмалар берилади ҳамда диний тушунчаларнинг нотўғри талқин этилишининг олдини олинади.

<sup>13</sup> Қаранг: “Вијдон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун. 1991. – 6 моддаси.

**Виждан эркинлиги борасида янги қонуннинг ўзига хос хусусиятлари.** Ўзбекистон Республикаси виждан эркинлигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонунчиликни инсон ҳуқуқларига оид ҳалқаро андозалар асосида такомиллаштириш борасида ҳам тизимли ислоҳотларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, **2021 йилда 5 июлда** Ўзбекистон Президенти Олий Мажлис томонидан тақдим этилган “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунни имзолади. Янги Қонуннинг олдинги қонундан асосий фарқли жиҳатлари шундаки, бу хужжатда фуқароларнинг виждан эркинлиги кафолатлари кучайтирилди, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқини таъминлашнинг янги механизмлари жорий этилди, шунингдек, давлатнинг дин ишлари бўйича сиёсати такомиллаштирилди<sup>14</sup>.

Бундан ташқари, “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда диний соҳадаги қонун хужжатларида қўлланиладиган асосий тушунчаларга таъриф берилди. Бу орқали олдинги қонунда мавжуд бўлган мавхум тушунчалардан воз кечилди. Шунингдек, диний ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни таъминланишининг кафолатлари, шу жумладан, юқори турувчи орган ёки судга мансабдор шахсларнинг диний ташкилотларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича улар судга мурожаат қилганда, давлат божини тўлашдан озод этилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса диний ташкилот ва давлат органлари ўртасидаги муносабатлар шаффофлигига хизмат қиласди. Ўз навбатида, диний ташкилотларга нисбатан кузатилиши мумкин бўлган турли ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олади.

Илгари диний ташкилот раҳбарлигига номзод хорижий давлат фуқароси бўлса, бу шахснинг раҳбар бўлиш имконияти чекланарди. Яъни олдинги қонуннинг 8-моддасида “Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади” деган жумла асосида муайян чекловлар ўрнатилганди. Бу эса баъзи диний ташкилот вакилларига муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Янги Қонунда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида диний ташкилот раҳбарлигига қўрилаётган чет эллик фуқаро номзодини Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиш ҳамда бу шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши тўғрисидаги талаблар бекор қилинди<sup>15</sup>.

Диний ташкилотларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ маъмурий буйруқбозлиқ ҳолатларининг олдини олиш ҳамда фуқароларга қулайликлар

<sup>14</sup> Қаранг: “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун. <https://lex.uz/docs/5491534>

<sup>15</sup> “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун.2021. <https://lex.uz/docs/5491534>

яратиши мақсадида диний ташкилотни тузиш ва рўйхатга олишнинг электрон тизимиға ўтказиш тартиби ўрнатилди. Ўз навбатида, бу амалиёт диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини тезлашувига хизмат қиласи. Илгари рўйхатга оловучи органи томонидан диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати уч ой деб белгиланган эди. Янги Қонунда бу муддат 3 баробар қисқартирилди ва бир ойлик муддатда диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар кўриб чиқилиши мустаҳкамланди. Шу билан бирга, диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш асосларининг тўлиқ рўйхати кўрсатиб ўтилди. Бу эса рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ амалиётнинг шаффоғлигини янада ортишига сабаб бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 409-сонли Қарор талабларида диний ташкилотларни тузиш учун Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган розилик хати ҳам зарурӣ талаб сифатида белгиланган эди<sup>16</sup>. Бу эса диний ташкилот тузиш билан боғлиқ жараёнларни мураккаблашувига сабаб бўларди. Янги қонунчиликда диний ташкилотларни тузишни соддалаштириш мақсадида рўйхатдан ўтиш жараёнида маҳалла иштироки бекор қилинди.

Шунингдек, 1998 йилда қабул қилинган қонунда диний ташкилот тузиш учун ташабусскор шахслар сони энг камида 100 нафар бўлиши қоида тариқасида ўрнатилганди<sup>17</sup>. Эндиликда, маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган шахслар сони 100 нафардан 50 нафаргача қисқартирилди. Бу ҳолат ҳам қонуннинг либераллигини янада ортишига хизмат қилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, давлатнинг дин билан муносабатлари қонунчиликда белгиланган тартиблар асосида амалга оширилганда, диннинг жамиятда мавқеи, давлатнинг қонун устуворлигини таъминлаш мажбурияти кучайишига замин яратади. Бундай муҳит хукмрон давлатда эса диний омил асосидаги низолар чиқишининг олди олинади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 57 б.
2. Комилов Н. ва бош. Жамият қурилиши ва ижтимоий бошқарув. – Тошкент: 2007. – Б. 282.
3. Холмўминов Ф., Мутаассиб шахслар билан ишлаш услублари. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2023. – 408 б.

<sup>16</sup> <https://lex.uz/docs/3762689?ONDATE=19.01.2022>

<sup>17</sup> “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун. Эски таҳрири. 1998.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сонли қарори. 2019.
5. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни эски таҳрири. 1991. – 6 моддаси.
6. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун. Эски таҳрири. 1998.
7. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни. 2021.  
<https://lex.uz/docs/5491534>
8. “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги” қарори. 2018.  
<https://lex.uz/docs/3762689?ONDATE=19.01.2022>
9. Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йилдаги фаолияти таҳлили.  
<https://religions.uz/news/detail?id=1994>